

2022 йил "24" 05

октабр

Андижон шаҳри

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги “Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш хамда иссиклик таъминоти объектларини куриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Андижон вилояти худудий филиали раҳбари А. Мирзабоев бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “Антал курувчи сервис” МЧЖ номидан Низом асосида директори М. Толибжонов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## 1. Тарифлар

### 1. Мазкур шартномада тарифлар қўлланилади:

**“ижро хужжатлари”:** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиковчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул килиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва кондаларида назарда тутилган бошка хужжатлар:

**“курилиш майдони”:** Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегарасини ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофик белгиланган бошка белгилар билан белгилаб кўйилади.

**“вактинчалик ишлар”:** Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган хар типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар.

**“беркитилган ишлар”:** - сифати ва яқунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**шартномани нархини бўлиб чикиш:** ишларнинг хар бир боскичи ёки турлари кийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий кийматини боскичларга таскимлаш.

## II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик шартнома бўйича Андижон вилояти “Жалақудук тумани Навоий МФЙ Бирлик кўчаси 1,2, Навоий МФЙ Гуричмозор кўчаси 4, Навоий МФЙ Саноат кўчаси 11а, Улуғнор тумани Мингчинор МФЙ Асл кўчаси 8, Марҳамат тумани Кончилар МФЙ Мактаб кўчаси 11,20, Бўстон тумани Дўстлик МФЙ Мустакиллик кўчаси 3, Булокбоши тумани Баландчек МФЙ Кўклам хиёбони кўчаси 12-сонли кўп қаватли уйларнинг туташ худудларида 1688 кв.м тротуарларни бетон копламаси билан коплаш, 100 п/м ирригация тизимларини таъмирлаш, 14 дона ташки ёритиш тизимини ўрнатиш ва 2 та ташки хожатхона қуриш ишлари” обьектида курилиш ва таъмирлаш ишларини смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. Шартнома бўйича ишлар киймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил лот раками “87092” электрон баённомаси) билан тасдикланган ишлар киймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ККС билан 397 546 638 (уч юз тўқсон етти миллион беш юз кирк олти минг олти юз ўттиз саккиз ) сўмни ташкил этади.

курилиш киймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортикка ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада хамда унга “1” иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни кабул килиш тушириш омборга жойлаш ва саклаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вактинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор килиш;

- қурилиш таваккалчилигини сугурта килиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар хамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини кўрикланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноап пудратчига 2 иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини кабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### **VI. Ишларни бажариш муддати**

Ишларнинг бошланиши 2022 йил 24 май, тугатилиши 2022 йил 31 декабр.

Пудрат шартномаси амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь.

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро хисоб-китоб килингандан томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация килган холда миллий валютада (сўмда) ўзаро хисоб-китоб килингандан шартнома конун хужжатларга мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради;

11. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аникланган қурилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан 60 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 фоизи микдорида аванс ўтказади, бу 119 263 991.4 (бир юз ўн тўккиз миллион икки юз олтмиш уч минг тўккиз юз тўксон бир) сўм кирк тийин ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади (2-илова)

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий кийматининг 50 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий кийматининг колган 50 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил хисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва обьект кабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда кабул килингандан кейин икки боскичда,

объект кабул комиссияси томонидан кабул килинган кундан бошлаб бир ой мобайнида - ишлар кийматининг камидаги 45 фоизи микдорида;

мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддати тамом бўлгандан кейин - ишлар кийматининг 5 фоиз молиялаштириш амалга оширилади.

18. Пудратчи обьект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича мулк хукукини ўзида саклаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга кадар, обьектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 25 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳакда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хукукига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод килинмайди.

## VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофикалигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хукукига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишларни жой билан таъминлади. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофикалаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи обьектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

26. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўгрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва ётишмаётган тупроқни казиб олиш учун жой ажратиш тўгрисидаги хужжатларни беради.

27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўгрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боглаш (привязка) килиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўгри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофикалиги тўгри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аникланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

32. Алохида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига караб уларни кабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва курилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ кабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг курилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар ёпилган ишлар далолатномасида Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор қилинмаган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ ёпилган ишлар далолатномасининг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошиrsa, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар хисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикини оқибатида етказилган зорарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқарib ташлади.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг кабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмасилиги билан боғлик

(тұстай көлішлар, курилиш техникасыннан ишдан чиши түгрисидеги маълумотлар, шунингдек курилишин тұгаллашының үзділ-кесіл муддатында таъсир килиши мүмкін бўлган барча маълумотлар) ажы әттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан көнекмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни З кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зинмасига олади.

#### **IX. Ишларни кўришеш**

39. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тұгаллагунча ва курилиш тұгалланган объект Буюртмачи томонидан кабул килиб олингунга кадар четлари түсилган курилиш майдони құдуудындағы материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва ишшоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулклар объект кабул килиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### **X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ҳолислари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилышига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилем, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом әттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини муҳокама киладилар.

43. Агар томонлар иккى ой ичиде келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг хар бири шартномани бекор килинишини талаб килишга ҳаклидир.

#### **XI. Курилиши тұгалланган объектни кабул килиб олиш**

44. Курилиши тұгалланган объектни кабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тұгалланган объектни фойдаланишга кабул килиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги түгрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнода кабул килиб олинади.

46. Пудратчи курилиши тұгалланган объектни кабул килиб олиш бошланишидан 5 (беш) кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофик Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги иккى нусха ижро қужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу қужжатлар тўпламишини амалда бажарилған ишларга тўлик мөс келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Кабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

#### **XII. Кафолатлар**

##### **48. Пудратчи:**

- барча ишлар тўлик жағмда ва мазкур шартнома шартларнда белгиланган муддатларда бажарини;
- лойиха қужжатларнама кимдә курилиш мөърлари, коидалари ва техник шартларга мувофик бажарилған барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха

хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофикалигини;

- ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф килиниши;

объектдан фойдаланганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш коидаларига мувофикалигини кафолатлади.

49. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар курилиши тугалланган объектнинг кабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томиннинг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланниб, уни бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичидаги бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлумида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хукукига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чикиш курилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

### XIII. Шартномани бекор килиш

#### 52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган холда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- конун хужжатларида мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

#### 53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун хужжатларида мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

54. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор килинган тақдирда айбор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган заарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкacha жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган хар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни коплашдан озод этилмайди.

60. Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,5 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод этмайди

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, ишчи хужжатларига мувофик бўлмаса у ҳолда Буюртмачи курилишда Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи микдорида Пудратчидан жарима ундириш хукукига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни коплади.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкacha тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

#### XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро иктисадий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### XVI. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳакиқий хисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунланганидан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мulkни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санаасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечикитиришга ҳаклиди.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари қўлланилади.


71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

72. Мазкур шартнома вилоят ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг хукукий кучга киради.

## XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

### “БУЮРТМАЧИ”

**Номи:** “Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини куриш бўйича инжинириング компанияси” ДУК Андижон вилояти худудий филиали Андижон шаҳар, Ломоносов кўчаси 2-й Ш/Х 100021860034017069902110040  
**ИНН :** 307 905 093  
 Ўзбекистон Республикаси Молия  
 Вазирлиги Ғазначилиги  
**Банк:**МБ ББ ХККМ Тошкент  
 Х/Р 23402000300100001010  
**МФО :** 00014  
**ИНН :** 201122919  
**Индекс:**170132

Бошлиқ:  А.Мирзабоев


Хуқуқшунос:

### “ПУДРАТЧИ”

**Номи:**“Антал курувчи сервис” МЧЖ  
**Манзили:** Андижон шаҳар козибой кўчаси 11-уй.  
**Банк номи:**Халк банки Андижон амалиёт бўлими  
 X/P:20208000604850806001  
**МФО:**00649  
**ИНН:** 301361982  
**Тел:**  
**Индекс:**




Рахбар:

 М.Толибжонов

### YURIDIK XULOSA

O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASI "XO'JALIK YURİTUVCHI SUBYEKTЛАR FAOLİYATINIning SHARTNOMAVIY HUQUQIY BAZASI" TO'G'RISIDAGI QONUNNING 21-MODDASIGA BİNDAN USHBU SHARTNOMA HUQUQI EKSPERTIZADAN OTKAZILDI. MAZKUR SHARTNOMA AMALDAGI QONUNCHILIK HUJJATLARI TALABLARIGA MUVOFIO TUZILGAN.

YURIST:  20 yil